

Эҳтиёт ва яхши гумонда бўлиш

05:00 / 14.02.2017 3959

Насл-насаб масаласи нозик масала. Фақат пок никоҳ алоқаси орқалигина инсон насли соғ-саломат ушлаб турилади. Насабларнинг, наслларнинг аралашиб, бетайин бўлиб кетиши эса инсоният учун катта мусийбатдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бани Фарозалик бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Хотиним қора бола туғди?!» деди.

«Сенинг туяларинг борми?» дедилар у зот.

«Ҳа», деди.

«Уларнинг ранги қандоқ?» дедилар.

«Қизил», деди.

«Ичида оқишлари борми?» дедилар.

«Албатта, уларнинг ичида оқишлари бор», деди.

«Ўша нарса уларга қаердан келган?» дедилар.

«Шоядки, ирқи тортгандир», деди.

«Буни ҳам, шоядки, ирқи тортгандир?!» дедилар.

Бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Эр хотинни зинода гумон қилди. Чунки, у қора бола туғди. Отаси ҳам, онаси ҳам оқ бўла туриб қора рангда туғилган бола ҳақида нима дейиш мумкин? Бу одам хотинини қора одам билан зинода бўлиб, ундан бола ортдирган бўлиши мумкин, деган гумонга борди. Лекин гумонини очик айтмади. Хотинга тухмат қилмади, ёмон қарамади, айблашни бошлаб ҳам юбормади. Бориб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради. Сўраганда ҳам, хабар берган маънода сўради. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг нима демоқчи эканлигини дарҳол тушундилар, ва у одам учун энг тушунарли нарсани мисол қилиб олиб, унга қарши савол бердилар. Сахро араблари туяни жуда яхши биладилар. Жумладан, туянинг болалашни, кўпайиши ва унга оид барча икр-чикирларни ҳам яхши биладилар. Албатта, ҳамма туя ҳам бир хил рангда бўлавермайди. Битта ота, битта она туядан туғилган бўталоқларнинг ранги ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу ҳақиқатни туя боққан ҳар бир киши яхши билади. Ана ўша бошқа рангли бола туғилиши, ирқ тортишидан, ўтган ота-бобо ёки момоларидан бирортасининг ирқидан

бўлишини ҳам яхши биладилар. Ирқ тортиш бир неча авлоддан кейин бўлиши ҳам маълум нарса. Барча жонзотларда бўладиган бу нарса инсонда ҳам бўлиши турган гап. Бу ҳақиқатни тажриба ва илм тасдиқлагандир. Шунинг учун боланинг ранги унинг онасининг зинода айбланишига далил бўла олмайди.

Шунинг учун аёл кишини зинода айбланишида эҳтиёт бўлиш керак ва бу борада яхши гумонда бўлган маъқул. Аммо, бу яхши гумонлилик баъзи бир нафси бузуқларга зино томон йўл очиб бериши ҳам керак эмас.

Насл-насаб масаласи нозик масала. Фақат пок никоҳ алоқаси орқалигина инсон насли соғ-саломат ушлаб турилади. Насабларнинг, наслларнинг аралашиб, бетайин бўлиб кетиши эса инсоният учун катта мусийбатдир. Бу маънони келуси ҳадиси шарифдан ҳам яхши тушуниб олсак бўлади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қай бир аёл бир қавмга улардан бўлмаган шахсни киртса, унинг Аллоҳдан ҳеч бир нарсага (умиди) йўқдир ва Аллоҳ уни зинҳор жаннатига киритмас. Қай бир эркак ўзи қараб туриб ўз боласини инкор қилса, Аллоҳ таоло ундан ҳижобланур ва аввалги-ю охиргилар ҳузурда уни шарманда қилур», дедилар».

Абу Довуд, Насай ва ал-Ҳоким ривоят қилган.

Шарҳ: Зино қилиб ордирган боласини ўз эри қавмига билдирмай қўшиб юборган аёл, дунёдаги энг бадбахт аёллардан бўлади. Ундоқ нобокор аёлнинг икки дунёси куяди. Аллоҳнинг динидан бирор насибага эга бўлмайди. Охиратда эса Аллоҳ таоло уни дўзах азоби ила азоблайди ва жаннатга яқин ҳам келтирмайди.

Бировнинг боласини бошқа қавмга қўшиш қанчалик ёмон бўлса, ўз боласини билиб туриб инкор қилиш ҳам шунчалик ёмондир. Ўша гуноҳ ишни қилган одамдан Аллоҳ таоло ҳижобланади ва қиёмат куни барча халойиқ олдида уни шарманда қилади.

Шундоқ йўллар билан Исломи инсоният наслини соғ-саломат, ҳаром-хариш аралаштирмай сақлаб келган. Зотан Исломи шариатининг беш бош мақсадларидан бири ҳам наслини муҳофаза қилишдир. Исломи йўқ жойда эса, насл-насабнинг таъйини қолмаслигини кўриб-билиб турибмиз.